84
А-92

Акмал Алимов

# Сенга бахт бермоқдир кўнгил орзуси



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

14.03.22.

84.1
А-92

АКМАЛ АЛИМОВ

# СЕНГА БАХТ БЕРМОҚДИР КЎНГИЛ ОРЗУСИ

*Шеърлар*



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«TAFAKKUR QANOTI»
2014

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

УЎК: 821
КБК: 84(5Ў)
А-92

Алимов, Акмал
А-92 Сенга бахт бермоқдир кўнгил орзуси: шеърлар /А.Алимов. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2014. – 64 б.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ISBN 978-9943-382-57-2

© Акмал Алимов, 2014 й.
© «Tafakkur Qanoti», 2014 й.

## ВАТАННИ СЕВ

Юрт жонига-жон пайванд қилиб,
Мардона шу чаманингни сев.
Ўз халқингга чин фарзанд бўлиб,
Дўстона шу Ватанингни сев.

Меҳнатингда айлагин обод,
Гўзаллик эт барпою бунёд.
Ҳамроҳингдир Ватан умрбод,
Дўстона шу Ватанингни сев.

Мадҳин қўйма тил-забонингдан,
Юрт бошланар уй-айвонингдан.
Уни севмоқ чин иймонингдан,
Дўстона шу Ватанингни сев.

Туғилганда тўкилиб қонинг,
Боғлангандур тақдиру жонинг.
Соғу омон бўлса виждонинг,
Дўстона шу Ватанингни сев.

Онанг каби ардоқла уни,
Дўстинг мисол ўртоқлаб уни.
Болангдайин қучоқлаб уни,
Дўстона шу Ватанингни сев.

Ғанимлардан қилиб ҳимоя,
Гуллатмоққа туғилсин ғоя.
Меҳр тўла юрак кифоя,
Ягона ҳур Ватанингни сев.

## АСЛИНГ БИЛАН

Умид бердинг тилагимга,
Хушмуомола хулқинг билан.
Ўтлар солдинг юрагимга,
Сўнгра гўзал ҳуснинг билан.

Ҳар боққанда кўзлар сузиб,
Кипригингдан ўқлар узиб,
Соғинсам чап кўксим қизиб,
Совутардим расминг билан.

Висолингни йиллаб кутдим,
Тақдир экан сенга етдим,
Ҳижрон ила айро кетдим,
Назокатли фаслинг билан.

Меҳру-вафо қалб дорингму?
Бахт берган ул дийдорингму?
Садоқатинг туморингму?
Ҳаёдай пок касбинг билан.

Сени севган дил хастамас,
Дил ишонган ҳис алдамас,
Паримисан, Шоҳистамас,
Бир бор кўрин аслинг билан.

Минг бор шукур бу тақдирга,
Шунча эъзоз бир фақирга,
Акмал сен ҳам бу меҳрга
Жавоб қилгин назминг билан.



## ҚИЗЛАРИМ

Қалбимнинг қувончлари,
Ортда қолар изларим.
Ҳаётим овунчлари,
Менинг она қизларим.

Тангридан омад тилай,
Сиз деб югурай елай.
Бахтингиздан ўргилай,
Менинг она қизларим.

Имонингиз саломат,
Бўлсун абадул-абад.
Муҳаммадга чин уммат,
Бўлинг она қизларим.

Юзлари моҳи-табон,
Сўзласа ширин забон.
Онам каби меҳрибон,
Менинг она қизларим.

Енгиб нафсин дунёни,
Танлаб гўзал сарпони.
Либос билинг ҳаёни,
Менинг она қизларим.

Учдан ошиқ қиз кўрмак,
Эмиш жаннатдан дарак.
Пок ният, яхши тилак,
Менинг она қизларим.

Уқинг панду сўзларим,
Оқлаб нону тузларим.
Ёруғ қилинг юзларим,
Менинг она қизларим.

2013 йил февраль

## АРМОН НОМЛИ ГУЛЧАМБАР

Сени севиб қолгандан буён,
Узун тунлар бедорман ҳамон.
Узоқлиги васлингни аён,
Қизғанганинг дийдоринг ёмон.

Куйдиради юрагим ёқиб,
Ўз нигоҳим юзингга боқиб,
Армон номли гулчамбар тақиб,
Яшамоқда бедоринг омон.

Ёмонликни кўрмайсан раво,
Лек дардимга бўлмайсан даво,
Юзлари ой, қомати зебо,
Сенинг фақат озоринг ҳижрон.

Висолингга бўлиб интизор,
Умри оқиб ўтмоқда бекор,
Овут Акмал туйғуларин ёр,
Ҳижронингга дийдоринг қалқон.



## СОҒИНЧ

Кўзларинг жоду сенинг,
Ҳижронинг оғу сенинг,
Менга севаман деган,
Сўзларинг орзу сенинг.

Мазмунли умр албат,
Ҳамроҳ бўлса муҳаббат.
Сенсиз йўқдир кўнгилда,
Хотиржамлик ҳаловат.

Икки кўнгил қовушса,
Икки юрак севишса,
Бахт аталган туйғуни,
Қизғанмасдан бўлишса.

Айлансаю чархпалак,
Келса омаддан дарак.
Сенга иқбол тилаган,
Кўксимда урган юрак.

Ҳуснингга бўлдим ошиқ,
Хулқингга бўлдим ошиқ,
Яширмасдан севаман,
Гўзалсан ҳаддан ортиқ.

Ёришмоқда тонг секин,
Бедор тун эди сокин.
Ёдинг билан умримдан,
Бир кеча бўлди якун.

Согинч ташлар қадамин,
Кўнгил истар санамин.
Шеърга ҳам якун ясаб,
Акмал қуйди қаламин.

## ТИЛАК

Эзгу-ният тўйга бўлсин тўйонамиз,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.
Тўсиқларни енгиб ўтиб мардона сиз,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

Қўш бешикка алла айтинг келинчаклар,
Ором олсин тебранганда беланчаклар,
Ҳасан Ҳусан, Фотма-Зуҳра эгизаклар,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

Садоқатни қалбингизга тугиб яшанг,
Бевафолар бошларини эгиб яшанг,
Фарзандларга ўрнак бўлиб жўшиб яшанг,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

Жондай асранг Оллоҳ берган бу никоҳни,
Қаҳр ила ёрга тикманг ҳеч нигоҳни,
Дил ранжитманг бузган мисол Байтуллоҳни,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.



Муқаддасдир эъзоз этиб ҳар бирингиз,
Оиланинг остонасин зар билингиз,
Шунда ўтар барокатли ҳар кунингиз,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

Тарбияланг меҳр билан болаларни,
Ҳурмат қилсин аммалару, холаларни,
Рози қилиб амакию, тоғаларни,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

Ота-она насиҳатин сарбон этиб,
Пок ниятда йўлингизни равон этиб,
Аждодларнинг занжирларин давом этиб,
Қўша қаринг, қўша келин-куёвлар.

2012 йил декабрь

## ҚИЛМАГИН МУҲТОЖ

Майли, ёнай етмай ёр висолига,
Висолдан бошимга киймай майли тож.
Майлига тушайин Мажнун ҳолига,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Армоним куйдирсин, ёнай ҳижронда,
Орзуга етолмай қолай армонда,
Яшай туғилганим суйган Ватанда,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Ўзингдан бошқага сиғинтирма ҳеч,
Майли бойлик берма, берма майли куч,
Илтижойим фақат гуноҳимдан кеч,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.

Майли, учмай кўкда шуҳрат-ла асло.
Бахш этай ҳаётим халқимга аммо,
Сен ўзинг ҳар нега қодирсан, Оллоҳ,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг ёрнинг висоли,
Шу менинг иқболим севгим камоли,
Мева бергани шу ишқим ниҳоли,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг қудратдан дарак,
Ахир қутулгани хасратдан юрак,
Бандангга ортиқроқ яна не керак,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг, она розоси.
Яқинлар ишончи, ота дуоси,
Элнинг садоқати, ғаним адоси,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг ёр садоқати,
Фарзандларим соғлом, сурат-сийрати,
Абад адолатли Ўзбек давлати,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг, демак, камим йўқ,
Элга қурол тиғлаб турган ғаним йўқ,
Юртни севмоқликдан тўхтар дамим йўқ,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Муҳтож қилмаганинг бошда бахт қушим,
Элим деб қайғурган одил юрт бошим,
Истиқлолим менинг, эрким, Қуёшим,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.
Юртим тупроғини кўзга сураман,
Халқим дуосини излаб юраман,
Фақат бир орзуни кўзлаб юраман,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.



Қўлим меҳнатда-ю, қалбимда иймон,
Онгим фикрда-ю, зикрда забон,
Акмалнинг қалбида қолмайди армон,
Ўзингдан бошқага қилмагин муҳтож.

## БАХТИНГ ИЛА БАХТЛИМАН

Шифо топар дардларим зумда,
Моҳичеҳрам тутсам кафтингдан.
Қотиб қолса жоним бўғзимда,
Жонланаман сенинг тафтингдан.

Сени севиб яшайди юрак,
Менга ўзинг дунёда тиргак.
Айланса-ю, тақдир чархпалак,
Бахт топсайдим, сенинг бахтингдан.

Бир кўрмоққа кўзим интизор,
Ишқ туфайли кўнглимда баҳор,
Умид дарахт дилимда такрор,
Гуллайверар берган аҳдингдан.

Сендай қизни севгани учун,
Юрагимга айтаман тахсин,
Акмал қалби топар-му таскин,
Висолингга етиб нақдингдан.

## ЎКИНЧ

Кўкда ойга Қуёш мафтун,
Сенчи ерда ой аксидай.
Сенга шайдо мен беҳусн,
Шу ғам билан дил ўксигай.

Умидсин дил висол кутмас,
Чунки мен бир ғариб ҳамдам.
Ҳатто қуёш ойга етмас,
Миллион йиллар ахтарса ҳам.

Қуёш ва ой тўқнашса гар,
Дунё бўлмиш остин-устун.
Ошиқ сенла учрашса ёр,
Айриларсан ширин сўздин.

Қуёш асло етолмагай,
Ойнинг ёрқин жамолига.
Акмални лек тақдир ўгай
Қўйгай бир кун ўз ҳолига.



## МЕҲР ИЗЛАМАСМАН

Тақдир менинг қисматимни,
Ўзга ёр-ла боғласа-да.
Топтаб чидам, саботимни,
Юраккинам йиғласа-да,
Сен ҳақингда сўзламасман.

Бормагайман бошим эгиб,
Гарчи фақат сендан даво,
Нима кўрдим, сени севиб,
Қалбингда йўқ асло вафо,
Сенинг васлинг кўзламасман.

Гарчи шеърим ёзилгайдир,
Сен туфайли бор армоним,
Кўнглимга сўнг ёғилгайдир,
Минг бир душман пушаймоним,
Сендан меҳр изламасман.

Жойим ерда, кўкда ўрнинг,
Фарқ каттадир ора йироқ,
На бир бора холим сўрдинг,
На тутмадинг бир бор қулоқ,
Фироғингда бўзламасман.

Мен-ку ёздим юрак дардим,
Садо берди надир андан,
Етса бориб кичик сатрим,
Хафа бўлма шеър битгандан,
Бошқа сени эсламасман.

## СЕНГА АТАБ

Сенга атаб бир шеър ёзарман,
У бўлажак дунёда тенгсиз.
Ё бўлмаса расминг чизарман,
Айтмас ҳеч ким расм деб жонсиз.

Куйлагайман бир куни қўшиқ,
Сенга атаб бўлгай ягона.
Бўлажакман Фарҳоддай ошиқ,
Шириндан ҳам ширин жанона.

Сенга атаб басталай бир куй,
Тингласинлар ҳаёт бор, токи.
Тинчлик бермас шу хаёл, шу ўй,
Мажбур қилар муҳаббат ёки.

Боғ экайми сенга атаб ё
Атасинлар, жаннат бўлаги.
Сени севай мажнундай гўё
Сенда урсин Лайли юраги.

Тангри ўзи беради мадад,
Номинг бўлар мангу самовий.
Менчи сени севарман абад,
Муҳаббатим пок афсонавий.

Яхши ният ярим мол дерлар,
Васлинг насиб этгай бир куни.
Топмасин ҳеч ишқ завол дерлар,
Сен Акмалнинг ҳаёт мазмуни.



## ИЛТИЖО

Қалбимда порлаган орзуда,
Яшашни хоҳлайман осуда.
Эзолмас шубҳаю гумонлар,
Истамасман куймоқ беҳуда.

Мен панох сўрайман, Худойим,
Балою қазодан ҳар доим.
Бўлсин ёр вафоли, фидойим,
Муҳаббат аталмиш туйғуда.

Диллардан ўчмагин садоқат,
Қалбни тарк этмагин муҳаббат.
Ҳамроҳ бўл бизларга саодат,
Ўтмасин ҳаётим қайғуда.

Назардан қолдирма борлиғим,
Бахт топсин меҳримдан қайлиғим.
Жужуқлар бу менинг бойлигим,
Мурғак қалб беозор оҳуда.

Юртимнинг бўстону саҳросин,
Ўпаман тупроғин заррасин.
Оламан падарим дуосин,
Онамнинг истаги ушбуда.

## ИШҚ ЯРАҚЛАР

Ҳижрон кезар тунлар дилим гулзорида,
Умид йиғлар етмай services армонида.
Тун қоронғу, аммо кўнгил айвонида,
Ишқ қуёши яраҚлайди, яраклайди.

Қайга кетдинг, ой жамолим, дилим доғлаб,
Ҳаяжондан забонимни кўйдинг боғлаб.
Хаёлларим паришондир сени йўқлаб,
Севгим сени сўроқлайди, сўроқлайди.

Мева берди ўзинг эккан ишқ дарахтим,
Сен ўзингсан орзуимда яшар бахтим.
Қадрига ет сенга бўлган муҳаббатим,
Қалбим уни ардоқлайди, ардоқлайди.

Сени бериб қўймагайман ўзгаларга,
Ишонаман мен илоҳий туйғуларга.
Бир кун келар Акмал етиб орзуларга
Бахт қуёши чароқлайди, чароқлайди.



## КЕЛ ЭРКАМ

Ёрим жамолингни куйлайин янгроқ,
Ошуфта юрагим меҳрингга чанқоқ.
Райҳондан хушбўйсан, асалдан тотли,
Раҳм айлармисан ёрингга бироқ.

Кел эркам қалбимнинг баҳор, ёзида
Мушкулдир биламан келмоқ баъзида.
Интилсам сен сари шеър овозида
Қалбингда ёнгайму севгидан чироқ.

Игволар йўқ бугун, лек йўқдир тинчлик,
Назм бор, қўшиқ бор туйғуга шерик.
Олга бормоқдаман кел бирлашайлик
Бўлмасдан дилдаги туйғулар тупроқ.

Севгим бор ишонгил, ёлғон сўзим йўқ,
Ўзга кўчаларда асло изим йўқ.
Йўлларим чароғон аммо кўзим йўқ
Кел, кўзим ҳижронлар кетсинлар йироқ.

Васлингни куйламоқ мавзуим менинг
Бахтингни кўрмоқдир орзуим менинг.
Акмалнинг қалбида бахт уйинг сенинг,
Кел, ёрим келишинг кутаман муштоқ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

## ҲАВАС ҚИЛИБ

Ҳуснинггизга ҳавас қилиб,
Ғазал ёзмоқ истагим бор.
Умримиз бир нафас билиб,
Боғда кезмоқ истагим бор.

Камондайин қошингиз ёр,
Ёноқлардан нур таралур.
Севгим этсам сизга изҳор,
Бу дунёда шеър яралур.

Кўзингизда яшар сеҳр,
Боққан киши кўз узолмас.
Юрагимда жўшар меҳр,
Юрагингиз лек сезолмас.

Жамолингиз ой аксидай,
Қалбга севгим тўлдирасиз.
Сизни кўрмай дил ўксигай,
Юракларим ёндирасиз.

Бамисоли сиз тўлин ой,
Чизилгандай лаблар гўзал.
Ушбу шеърни эй, пари-рўй
Сизга атаб ёзди Акмал.



## СИНОВЛИ ДУНЁ

Дунё ўзи биркамдир,
Фарёд қилманг бекорга.
Шундан қўлда қаламдир
Бордир етмоқ баҳорга.

Бўлса тақдир бераҳм
Қийинчилик ўткинчи
Яшайлик айлаб фаҳм
Ўтар ғаму-севинчи.

Умр шундай муҳитдир
Синовли ғамли дунё.
Аждодлардан ўгитдир
Бўлманг унга маҳлиё.

Шу аснода ўтади
Йилнинг тўртта фасли ҳам
Шундай келиб кетади
Одамзоднинг насли ҳам.

Кетар тортса домига,
Бир куни келиб ажал.
Лек дунёнинг ғамига,
Кўникиб кетди Акмал.

## ШУКР

Тўрт мучалим соғдир шукур,
Дилда доғ, кўз ёшлар тўкур.
Ҳаётимда йўқ ёруғ нур,
Қўйинг мени ўз ҳолимга.

Ғамим миллион менчи бирман,
Толеи паст кимсадирман,
Ўтсам ёдим қолса дерман,
Розидирман мен ўлимга.

На яратган малҳам тутар,
На бир инсон йўқлар, кутар,
Акмал оҳ деб шеърлар битар,
Ким ачинар аҳволимга.

## БАРДОШ

Тенгги йўқсан барча гўзал санам ичра,
Етолмасдан қолди юрак алам ичра.
Узун тунлар бедор ёндим сени қўмсаб,
Мактубларим қолди қоғоз-қалам ичра.

Ҳар кимсага сўзламасман чунки менга,
Ғазалдан соз, сирдош йўқдир олам ичра.
Сенсиз шодлик, сенсиз кулгу йўқдир қалбда,
Таскин топмас кўнглим дўсту-ҳамдам ичра.



Журъат йўқдир сўзламоққа дилда борим,
Шунча тоқат, шунча бардош чидам ичра.
Қисмат экан ёзилгани пешонамга,
Минг бир савдо учрар ҳар бир қадам ичра.

Осмон олис, замин қаттиқ қутулмоққа,
Куйиб ўтмай умрим борки, бу ғам ичра.
Шунчалар жабр айла майли Акмалга ёр,
Қолмагаймиз мангу дунё бир кам ичра.

## БАХТИМ ЎЗИНГ

Икки тақдир бир-бирига боғланибди,
Яратганнинг хоҳишини бузиб бўлмас.
Юракларда ишқ-муҳаббат уйғонибди,
Бахт-иқболдан ёрим кўнгил узиб бўлмас.

Садоқатда ўзгаларга ибрат бўлгин,
Муҳаббатда чин вафодор абад бўлгин.
Бу ҳаётда пок яшамоқ роҳат билгин,
Севган ёрин гам-ташвишла эзиб бўлмас.

Севдим демай ой ҳуснингни севмай туриб,
Куйдим демай ҳижронингда куймай туриб,
Ишон жонон қошим аро бир ой туриб,
Ўзга ёрга шеъру-газал ёзиб бўлмас.

Бахтим ўзинг ўзга бахтни изламасман,
Суйганим сен бегонани кўзламасман.
Акмал айтар лоф ва ёлғон сўзламасман,
Ёлғон айтиб бахтли оила тузиб бўлмас.

## БЕДОР ТУН

Юрагимдан оқиб келди,
Дардим  билан янги шеърим.
Бедорликка ёқиб келди
Борлиғимни тунги шеърим.

Ҳижронингга  излаб таскин,
Сўзлагайман ғамим аксин,
Қалбингга ўт-олов ёқсин,
Етиб бориб тонгги шеърим.

Етолмайин ойу йиллаб,
Жавоб кутдим, мактуб йўллаб,
Ушбу бўлсин мен бахт тилаб,
Сенга ёзган сўнгги шеърим.

## МУҲАББАТИМ ЧАШМАДИР

Дилда қайнар муҳаббат,
Бамисоли чашмадур.
Ташнамассан сен фақат,
Чашма сенга ташнадур.

Танҳо ўзинг сўроғи,
Пок юрагим ардоғи,
Бу муҳаббат булоғи.
Орзу гулим яшнатур.



Қалбимда орзу униб,
Кел, дер вaслинг соғинур.
Келмасанг қайғу бўлиб,
Ўксик дилим ғашланур.

Муҳаббатла ишинг йўқ,
Шеъриятга хушинг йўқ,
Меҳр тўла ишқинг йўқ,
Нелар дилинг хушлатур.

Бепарвосан бунчалар,
Қўшиқларим бесамар,
Ахмалга солмай назар,
Ўтишинг ташвишлатур.

## НАВБАҲОР

Лола ифори бор тонгги наҳорим
Мен-чун йўқ кўркинг тенги дилдорим
Ҳуснига дилимни маҳлиё этган
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Замонлар ўзгарар баҳор ўзгармас,
Сенга муҳаббатим зинҳор ўзгармас,
Васлингсиз аҳволим абгор ўзгармас.
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Кўнгил қаримайди деган сўз ҳақдир,
Қалбга муҳаббатни жо қилмуш тақдир.
Фасли навбаҳорни севмас дил йўқдир,
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Хаёлан боғларинг кезсам кифоя,
Севишимни билсанг, сезсанг кифоя,
Сен учун шеъру байт ёзсам кифоя
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Жамолинг соғиниб ўтмоқдир бахтим,
Интизор йўлларинг кутмоқдир бахтим.
Йилда бир қўлингдан тутмоқдир бахтим,
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Йиллар ўтаверар кўрсатиб кучин,
Соғинчу хижрондан юздаги ажин,
Юракни айблама суйгани учун,
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Аёзнинг музларин эритиб келгин,
Қалбларни ишқ билан ёритиб келгин,
Майлига бир ёшга қаритиб келгин,
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.

Қалбимни тиғлаган гўзалсан кўркам,
Кўксимда йиғлаган ғазалсан кўклам,
Кўркингни яширма Акмалдан эркам,
Навбаҳорим, менинг янги баҳорим.



## ОНАМ ТИЛАГИ

Эзгулик истаб сенга,
Уриб турар юрагим
Худойим ато этса,
Тўкис бахт – шу тилагим.

Келинимнинг қўлидан,
Чой ичганда эрталаб.
Айланайин бўйидан.
Дея кўяй эркалаб.

Меҳр билан опичлаб,
Катта қилай болангни.
Боғбон каби авайлаб,
Сен-у гулу лолангни.

Дунёда тинч-осуда,
Ўз ўрнингни топсанг бас.
Шундай ният, орзуда,
Тўйиб оламан нафас.

Ташвишу қувончингга,
Чин шерикман дилбандим.
Дуо қилай ҳаққингга,
Бахтли бўл, деб фарзандим!

## ГУМОН ҚИЛМА

Жамолинг бунча тиниқ,
Ойдайин нурли ёруғ.
Кўзларинг олиб қочма,
Нигоҳинг сирли сандиқ.

Кўнглимнинг сен эркаси.
Ишқимнинг маликаси.
Баҳордир сен-ла мудом,
Муҳаббат ишқ ўлкаси.

Шаҳло кўзинг нақадар
Мен йўлингда дарбадар.
Ишқ куч берар юракка,
Рашк дилимни ёндирар.

Севгимдан гумон қилма
Ҳажрингда сарсон қилма.
Меҳринг билан кўкарган
Гулзорим вайрон қилма.

Ёр билсанг ҳаёт ишқ-ла
Кўнглингни безат ишқ-ла.
Сўраса қўлинг Акмал
Қўлингни узат ишқ-ла.



## КЎКЛАМ ЗИЙНАТИ

Яшил либос кийиб табиат
Зийнатлагай борлиқни кўклам:
Уни севар бор инсоният,
Хур келиндай нақадар кўркам.

Деҳқонларнинг ғайрати жўшар,
Инсонларнинг хайрати ошар.
Ер юзини гулларга буркаб,
Турли-туман гиламдир тўшар.

Лолалар рангидан тоғ ёниб,
Болалар яйрайди қувониб,
Дарахтлар шохида турли гул,
Ёшарар уйқудан уйғониб.

Ошёндир барчага бу ўтлоқ.
Куйлайди тўрғай-ю зарғалдоқ.
Булбуллар қўшиғин олқишлаб,
Тебранар жўр бўлиб қизғалдоқ.

Қалбларни ларзага солади,
Дилларга эзгу-ҳис тўлади.
Акмал бу муҳаббат фаслидир
Юракнинг ғуборин олади.

Яшил либос кийиб табиат
Зийнатлагай борлиқни кўклам
Сени севар бор инсоният
Хуш келибсан наврўзи олам.

## АРМОНИМ АРИТ

Севаман ҳуснинга маҳлиё бўлиб,
Кўнглимни ёритган нурзиё бўлиб,
Муҳаббатим изҳор айласам дилдан,
Англагин ишқимни сен Лайло бўлиб.

Мажнунинг бўламан агар ҳохласанг,
Мафтунинг бўламан агар йўқласанг,
Ошиғинг ҳолига бир бор боқмасанг,
Ойжамол қолгайсан бевафо бўлиб.

Ҳажрингда куйдирма қалбни бу қадар,
Латофатли, мунис ўзинг нақадар.
Айламай хаёлу ўйим дарбадар,
Армоним аритгин дилрабо бўлиб.

Сени мендай севар айтчи яна ким,
Ошкора сўзладим бугун бор сирим.
Меҳрингла тўлдиргин бу кўнглим ярим,
Ахдига вафодор хур зебо бўлиб.



* * *

Эй, одамзод иззатинг бил,
Қадрингни бил, ранжитма дил,
Имкон топиб, яхшилик қил,
Яхшиликдан қайтсин жавоб.

Ўзинг эр бил, ўзгани шер,
Кучсизларни қилмагин ер,
Кучлимисан ишга тўк тер,
Топажаксан сен чин савоб.

Хушфеъл бўлгин муомалада,
Яшасанг ҳам зар-тиллада,
Сўроги бор у дунёда,
Ожиз дилга этма азоб.

Бўлсак меҳр-оқибатли,
Ширин сўзли, оқ ниятли,
Роббим ўзи марҳаматли,
Орзуларни этмас сароб.

Тош юракларни эритиб,
Яшайлик боғ-роғ яратиб,
Зора Акмал шеърлар битиб
Севинчлардан битсин китоб.

2012 йил ноябрь.

## КЎНГЛИМ ЁРИТИБ

Эзгу ният кўнглим ёритиб,
Юракдаги музни эритиб,
Севги бўлди дилимга меҳмон,
Қалбдан ғуборларни аритиб.

Забонингдан тўкилиб боллар,
Бир-бирига талпиниб диллар,
Чокларидан сўкилиб йиллар,
Ўтмоқдадир бизни қаритиб.

Ишқдан қилиб кўнглинг тўқ жоним,
Бевафога вафо йўқ жоним,
Ошиқ қалбга қиё боқ жоним,
Ҳисларингни юрма беркитиб.

Муҳаббат чироғин ўчирма,
Туйғуларинг мендан яширма,
Ҳижрон ила оғу ичирма,
Мен ғарибга бахт бер ёр этиб.

Сочларингга оқ тушар бир кун,
Юзларингга чизилиб ажин,
Ўшанда ҳам бўларсан ширин,
Қадрласанг қалбим овитиб.

Карам Ҳақдан бизга муҳаббат,
Яралмас бежизга муҳаббат,
Акмал кирса юзга муҳаббат,
Энтиктирар дилим яйратиб,
Қаратади сенга бўйлатиб.

2012 йил июль



## МУҲАББАТИМ ЧИН

Ишон жонон муҳаббатим чин,
Нигоҳимга назар сол бир бор.
Гўзал Лайли, сулув Ойбарчин
Яшамоқда жисмингда такрор.

Урмас энди юрагим сокин,
Шайдо қилиб ўтасан зебо.
Елкалатиб муҳаббат юкин,
Парво қилмай этасан адо.

Ишон жонон муҳаббатим чин,
Англа қалбимдаги зиёни.
Кумушбиби, малика Ширин,
Мерос қилмиш сенга ҳаёни.

Пок қалбингни, гўзал жисмингни,
Жондан севиб қолганим-ку рост.
Юрагимга ёзиб исмингни,
Муҳрладим айладим эъзоз.

Ўртада бир жуфт кўз овора,
Қалбимни ҳижронинг ўртайди.
Акмал истаб висолинг ёра,
Сочига оқ тушиб қартайди.

2012 йил

## БЎСТОНЛИҚ

Она ерим Бўстонлиқ
Ҳаёлим сенга боғлиқ,
Куйлаб мадҳинг яшайман
Битгум ғазал ва қўшиқ.
Боғу бўстон Бўстонлиқ.

Тоза ҳавонг ошёним,
Чин ҳақиқий бўстоним.
Меҳмондўстим, мезбоним,
Кўркингга барча ошиқ.
Боғу бўстон Бўстонлиқ.

Ҳар ўғлингда бор ғурур,
Қизларинг ўта мағрур.
Қалбим сени деб оғрир.
Тарк этмасин бу оғриқ.
Боғу бўстон Бўстонлиқ.

Барча ҳовлинг узумзор,
Қўлда қалам созим бор.
Куйламоққа ўзим бор,
Жаннатмакон бу борлиқ.
Боғу бўстон Бўстонлиқ.

Бағрингда оромгоҳлар,
Зилол сувли булоқлар.
Ўсар нодир гиёҳлар,
Лолдир мағрибу-машриқ.
Боғу бўстон Бўстонлиқ.



## СЕВГИ САОДАТДИР

Ҳаётни гуллатган севгидир,
Муҳаббат Илоҳий сезгидир.
Насибдир асл ҳис кимларга,
Кимларга пок туйғу орзудир.

Эй, инсон ўйлаб кўр танангга,
Пок бўлсин муҳаббат Ватанга.
Ватандан улуғ не неъмат бор,
Ёндирсин шу оташ алангa.

Отага муҳаббат одобдир,
Оналар меҳрига жавобдир.
Ғариблар дилини оғритма,
Ожизга кўмагинг савобдир.

Ёрга ишқ муҳаббат ўзгача,
Бахт, иқбол аталмуш сўзгача.
Бардошу муҳаббат синовда
Етгунча лабзи ҳалол қизгача.

Ўзгача фарзандга муҳаббат,
Табиат, жонзодга муҳаббат.
Ишонинг дўстларим, ишонинг,
Муҳаббат инсонга саодат.

2012 йил.

## МАН-МАН ҚИЗГА

Гўзалман деб керилган қиз,
Ман-манликка берилган қиз.
Ўткинчи бил ҳусну жамол,
Ошиқларин зор қилган қиз.

Сени севиб кўрмай вафо,
Бир ширин сўз айтмай ҳатто.
Ҳайдагайсан ошиқ аҳлин,
Қайтсин сенга қайтар дунё.

Тиламасман ҳеч ёмон ном,
Ёндир-куйдир олгин ором.
Узоқ ёзмоқ ниятим йўқ,
Сенга ёзган шеърим тамом.



## КУТАЯПМАН

Зор юрагим куйиб яна қон бўлмоқда,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.
Кўзим зиё кўрмай, умрим тун бўлмоқда,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.

Ҳамон бедор ўтар туним, юрак куйиб.
Ҳажринг мени, муҳаббатим сени суйиб.
Қийноқ деган остонага бошим қўйиб,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.

Исён дилда, умидларим ўчмагайдир,
Ёр васлини қучгай балки қучмагайдир.
Аммо кўнгил орзусидан кечмагайдир,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.

Хазон тушиб тўкилмоқда севги боғим,
Емирилиб бораётир бардош тоғим.
Шу алфозда ўтаётир ёшлик чоғим,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.

Нечка хижрон номли бу ёв рақиб бўлди,
Тунда қалбга ўтлар қўйиб, ёқиб бўлди.
Аммо армон гулчамбарин тақиб бўлди,
Кутаяпман, дил розингни бардош билан.

2012 йил январь.

## ВАСЛИНГГА ЕТАРМАН

Майли мени севма қолай армонда,
Умидимни сўндир эт кўнглим ярим.
Ҳусним йўқдир менинг, зарим йўқ менда,
Аммо юрагимда бор севгим, меҳрим.

Биламан аслида мен сенга тенгмас,
Аммо муҳаббатим юракка сиғмас.
Дилингда ғururинг сира бош эгмас,
Тиз чўкмоққа қўймас  менинг ҳам орим.

Нолам етмагайдир кўнглинг кўп баланд,
Қоврилар юрагим қийнайди бу дард.
Аммо висолингга ҳаёлим пайванд,
Нишонга теккайму бир куни зорим.

Наҳотки бу бошга Ҳумо қўнмагай,
Ишқингда бир лаҳза юрак тинмагай,
Севги изҳорига тил ботинмагай,
Тилим айтолмаган изҳорим шеърим.

Йўқ тилим айтажак ишқ изҳорини,
Ҳар кимса кўрадир бошда борини.
Акмал минажакдир бахт тулпорини,
Васлингга албатта етарман ёрим.



## ИЗЛАГАНИМ

Оҳу кўзларингга нигоҳ солганда,
Лобарим эртакка айланар умрим.
Сенингсиз бу таним жонсиз қолгандай,
Танамни тарк айлаб кетгайдай руҳим.

Айлай қайта-қайта муҳаббат изҳор,
Самога қўл чўзиб сени сўрайин.
Ёр эрсанг ҳамиша, кўнглимда баҳор,
Дилим боғларида олиб юрайин.

Рад этма ишқимни меҳрингга муштоқ,
Орзуим, умидим қўлингда сўзсиз.
Бер қўлинг, қўлимни қайтарма мутлақ,
Акмал ишай олмас сен гўзал қизсиз.

## БАХТ ТИЛАЙЛИК

Олам,олам номин олгандан кейин,
Ким кўрибди тўйдан созу зўр йиғин.
Бахтли бўлсин дебон ёш куёв-келин,
Дўстлар бахт тилайлик, иқбол тилайлик.

Самодан юлдузлар боқиб суқланар,
Келинчак юзлари гулдек товланар.
Куёвнинг дилида ишқ оловланар,
Дўстлар бахт тилайлик, иқбол тилайлик.

Уларга бахт берсин яратган Эгам,
Дилига қайғу ҳеч босмасин қадам,
Юзида кўрмайлик ташвиш, ғам, алам,
Дўстлар бахт тилайлик, иқбол тилайлик.

Фарзанд обод этсин кўнгил қалъасин.
Оила риштасин мустаҳкамласин.
Муҳаббатин дилда омон сақласин,
Дўстлар бахт тилайлик, иқбол тилайлик.

Умр савдосида берсин Ҳақ тўзим,
Яшашсин эркалаб ўғил ҳам қизин,
Охирги тилагим, якунлаб сўзим,
Дўстлар бахт тилайлик, иқбол тилайлик.



## ОРЗУ БЎЛМАСА

Ишқингда кул бўлди таним қоврилиб,
Умидим хазондай кетди соврилиб.
Орзуларим ташлаб кетса бош олиб,
Дунёда не қолар менга жанона.

Оллоҳим яратиб қалбга ишқ тутган,
Пок муҳаббат бериб дилим овутган.
Гар орзум бўлмаса кўнглим ёритган.
Дунёда не қолар менга жанона.

Куйлайди забоним сен ҳақда доим,
Соғингандир дилим сўзинг мулойим.
Бўлмаса насиб гар шеърим ва куйим,
Дунёда не қолар менга жанона.

Айирдилар сендан мени, сарвқомат,
Куйламоқ ўртаниб ошиққа одат.
Бўлмаса ҳаётда шундайин лаззат.
Дунёда не қолар менга жанона.

Ҳажрингда кул бўлди юрак ойрухсор,
Яратган ҳам шунга қилгандай қарор.
Армон ҳам кимгадир қолмоғи даркор.
Дунёда не қолар менга жанона.

Учратмадим сендай гўзал бокира,
Сендай одобли ҳур қизни ҳам сира.
Акмалга қолмаса ширин хотира,
Дунёда не қолар менга жанона.

## СЕНИ ДЕБ ЯШАР

Висолингга зор юрагим сени қўмсар,
Меҳринг берсанг муҳаббатим бўйи ўсар.
Сени эслаб қийноқдаман бедор туним,
Ўтли дилда гўзал туйғу сен деб яшар.

Ҳуснинг мудом кўз ўнгимда намоёндир,
Шу сабабдан ақлу ҳушим паришондир.
Нигоҳимдан пок муҳаббат ҳам аёндир,
Ўтли дилда гўзал туйғу сен деб яшар.

Сенинг билан бу юрагим осуда бил,
Сенсиз эса тану-жоним қайғуда бил.
Ширинлиги ҳаётнинг пок туйғуда бил,
Ўтли дилда гўзал туйғу сен деб яшар.

Чин ишқимдан дарак ҳар бир ғазал сатри,
Димоғимга урилмоқда гўзал атри.
Арзонмиди, воҳ, шунчалар Акмал қадри,
Ўтли дилда гўзал туйғу сен деб яшар.



## КЎЗИМ ҚУВОНАР

Воҳ кўнглимни қийнар бир савол,
Юрак сени қизғанар нега.
Дунёда кам сен каби аёл,
Боқса кўзим қувонар сенга.

Ёшлик сенинг баҳор мавсуминг.
Эритади ҳар табассуминг.
Покиза қалб, гўзалдир ҳуснинг,
Боқса кўзим қувонар сенга.

Айтолмайман жонли сўз топиб,
Дил ёнару, тан қолар совиб.
Эркам сени, қолганман севиб,
Боқса кўзим қувонар сенга.

Яратганга минг бор шукрона.
Учратди гул юзли жанона.
Сендай гўзал асли афсона,
Боқса кўзим қувонар сенга.

Гуллар қилар ҳуснингга ҳасад,
Ой сукланар боқиб ҳар фурсат,
Рашкдан Акмал мудом бетоқат.
Боқса кўзим қувонар сенга.

## ЙИҒЛАМАСМАН

Кўп жафолар кўрди бошим
Сени тақдир алқамасман.
Юракда ишқ кўзда ёшим
Туним бедор ухламасман.

Бахт саройин менла қурчи.
Омад юзин менга бурчи.
Ишқ туфайли ёндим гарчи
Аммо ҳеч кек сақламасман.

Дилда алам ишқ туфайли
Қўлда қалам ишқ туфайли
Гўзал олам ишқ туфайли
Ишқсиз ҳаёт ҳохламасман.

Чизиғингдан ўтолмайман,
Севганимга етолмайман.
Сендан шафқат кутолмайман.
Оҳ, деб умрим булғамасман.



## БИЛГИН УНУТОЛМАМ

Бугун сенинг тўйинг, юрагим ёнар,
Сени кеч топдиму йўқотдим барвақт.
Қалбда яраклаган умидим сўнар,
Аммо сўнмай дилда яшар муҳаббат.

Сенга бахту-иқбол тилайди кимдир,
Сумбул сочларингни силайди кимдир.
Бедор тунин, тонгга улайди кимдир,
Ҳижронингда ёниб билмайсан фақат.

Дийдорингга сира тўймайди ёринг,
Сени еру-кўкка қўймайди ёринг.
Сўйса ҳам менингдек куймайди ёринг,
Чунки ёнида сен борсан шудир бахт.

Онла қурасан, яшайсан шодон,
Унутолмас бунда сени бир нодон.
Юрагида армон, йўлида хижрон.
Малҳам йўқ қалбига хаёли карахт.

Омад этагидан маҳкам ушласанг,
Ойлар-йиллар ўтиб бахтли яшасанг.
Ногоҳ Акмал деган номни эсласанг,
Билки унутмаган сени бир фурсат.

## АРМОН

Юрак нотинч, кўнгил беҳузур,
Азобли бир нохушлик сезур.
Сенга ошиқ бўлган сон мингта,
Ўшал армон юрагим эзур.

Сенга изҳор этар муҳаббат,
Қанча бою, қанча бадавлат.
Қанча барно, қанча хушсуръат,
Ўшал армон юрагим эзур.

Мен бир ғариб тунлари узун,
Замонамнинг энг гўзал қизин,
Севиб ўтга ташлаган ўзин,
Ўшал армон юрагим эзур.

Яна қайғу бошимга ёғар,
Бир кўнгилга қанча ғам сиғар.
Чап кўксимда парча эт йиғлар,
Ўшал армон юрагим эзур.

Наҳот тақдир айлабон жудо,
Ёт бўласан, сендайин зебо.
Бир кам дунё, бевафо дунё,
Ўшал армон юрагим эзур.

Васлинг истаб уради юрак,
Аммо жоним йўқ сендан дарак,
Акмал сени кутар жонсарак,
Ўшал армон юрагим эзур.

28.11.2011й.



## НИГОҲИМ

Сенга қадалган нигоҳ,
Этмасми – ишқдан огоҳ.
Бепарвосан бунчалар,
Шундандир дилим сиёҳ.

Юрагимнинг дарди бор,
Висолингдан умидвор,
Айла ишққа эътибор,
Севгида йўқдир гуноҳ.

Фалак нақадар сахий,
Муҳаббат яшар боқий,
Бу ҳис-туйғу илоҳий.
Доимо бўлсин ҳамроҳ.

Шунчалар гўзал, зебо,
Яратганга тасанно.
Топарман сендан вафо
Ишқинг шифобахш гиёҳ.

Ишқим тушиб гўзалга,
Ишим тушди ғазалга.
Меҳринг тушиб Акмалга,
Бахтинг кулсайди ногоҳ.

28.11.2011й.

## НОЗЛАРИНГДА

Дардларимга шифо бордир сўзларингда
Ишқ чўғига даво бордир сўзларингда.
Лайли мисол мафтункору-гўзалдирсан,
Ошиқларинг сарсон кезар изларингда.

Ой ҳуснингга тўлин ой ҳам ҳавас қилар,
Зор юрагим ишқинг ила нафас олар.
Ошиқ қалбда армон бўлиб бир сас қолар,
Гул ифори бордир нафис юзларингда.

Менинг кўнглим асир этган малак сиймо,
В083 васлинг бир кун насиб этгай фалак зебо.
На қилайин сени қўмсар юрак танҳо
Акмалингга роҳат бордир нозларингда.

2011 йил 15 ноябрь



## ЖУРЪАТНИНГ ЙЎҚ ШАШТИ

Совчилар тинмади уйингдан,
Айланиб, ўргилиб бўйингдан.
Оқ рўмол олдилар ойингдан,
Падаринг ҳам рози қилишиб.

Сен-чи сен қайлиғинг келганда,
Чинакам суйдинг ё ёлғондан.
Кўксингда армонинг қолгандан,
Юрагинг кетгандир увишиб.

Сир борки дилингда қандайин,
Куйдирар қалбингни жон жойин.
Дил куйлаб, айрилиқ, ишқ куйин,
Яшадинг пинҳона севишиб.

Етолмай аҳд берган ёрингта,
Сир бўлди кўнглингнинг қаърига.
Мардона чидадинг барига,
Ой-йиллар ўтдилар қувишиб.

Нигоҳлар тўқнашди ушбу кун
Журъатнинг йўқ шашти ушбу кун.
Юраклар қақшашди ушбу кун
Лек тилга чиқмади сўз тошиб.

Ҳаётинг шу кўйда ўтади.
Бардошинг қачонга етади.
Сен учун Акмал шеър битади,
Туну-кун ҳижронла олишиб.

* * *

Дилларни шод этиб куйла,
Қалбни обод этиб куйла
Мухлисларинг кўнгилларин,
Дарддан озод этиб куйла.

Куйларингда алам бормиш,
Қўшиғингда Санам бормиш,
Овозингда малҳам бормиш,
Толмай ижод этиб куйла.

Куйга солиб элнинг ғамин,
Англатиб гул исин, таъмин,
Куйлаб ҳатто майю-жомин,
Хайёмни ёд этиб куйла.

Сен кўкдаги юлдуздек балқ
Дуо қилар пок ўзбек халқ.
Қўшиғингни Озодбек нақ,
Оху-фарёд этиб куйла.



## ВАСЛИНГГА ЗОР

Қийноқ номли биёбоннинг сўнгги борми?
Бу дунёда ёр висолинг тонгги борми?
Сўранг ёрдан зарра менда кўнгли борми?
Кўнгли бўлса кутишдан ҳеч толмагайман.

Билолмасдан дил қон, юрак хуноб бўлди,
Дилда армон бир неча йил тунаб бўлди.
Куйлаб – куйлаб тил забоним қонаб бўлди,
Дилимда ғам, кўзда нам ҳеч кулмагайман.

Ғамим билан ишқ япроғи сарғаймоқда,
Хазон тўкиб, висол боғи сарғаймоқда.
Ҳижрон билан бардош тоғим улғаймоқда,
Ёр васлига етмасдан ҳеч ўлмагайман.

Ҳижрон ўти - дўзах ўти билан тенгмиш,
Ёр висоли жаннат тоти мисол кенгмиш.
Акмал туни шеъру-байти билан тонгмиш,
Туним қандоқ ўтганин ҳеч билмагайман.

## БАХТ ТИМСОЛИ

Етдим десам, етолмайман ўйим ўйлаб,
Тақдиримга ёзилмишму ёр висоли.
Юракка ўт солган сенсан ишқин жойлаб,
Сен Мен учун гўёки ёр бахт тимсоли.

Гўзалимсан ўйларимни ўғирлаган,
Умидимсан қалбга ишқин муҳрлаган.
Ой жамолинг юрагимни сеҳрлаган.
Муҳаббатим, тошқин дарёдир мисоли.

Бахтли бўлгин, бахтингга мен сабаб бўлай,
Яратгандан висолингни сўраб олай.
Ўлсам агар дийдорингга тўйиб ўлай,
Йўқ эмасму кўз юммоқнинг эҳтимоли.

Қалам ожиз куйламоққа борлиғингни,
Айтсам менчун ҳаммадан ҳам зўрлигингни.
Бирор оғиз овут қалби синигингни,
Олиб қочмай, ғурур оти, учиб ёли.

Солгаймисан қулоқ севгим баён этсам,
Мадҳинг куйлаб, тилим булбул забон этсам.
Висолингга етиб сени жанон этсам.
Аъло бўлар ошиғингни танг аҳволи.

Ҳумо бўлиб қанотингни ёйгил энди,
Ғурурингни бир чеккага қўйгил энди.
Сенга бўлган муҳаббатга тўйгил энди,
Тутмасин деб пок муҳаббатнинг уволи.



Ақлим хайрон сени гўзал одобингга,
Кўнгил муштоқ рози бўлган жавобингга.
Раҳм айлагин Акмалдайин қалб бетобингга,
Бахтга етказ ўзингсан ёр бахт тимсоли.

## ГЎЗАЛ КЎРКАМСАН

Фасли баҳордайин гўзал кўркамсан,
Тақдир кеч учратган ширин эркамсан.
Етмоқлик васлингга орзуим менинг,
Етти иқлимда йўқ Дилбар санамсан.

Сен билан бу кўнгил бўлар хотиржам,
Раҳм айла тирнама юракда ярам.
Умрбод севишга қодирман аммо,
Умидим сўндирма кошлари қалам.

Лайлосан чин вафо сенга ярашар,
Ошиғинг Мажнундай сени деб яшар.
Армонда қолдирма кўнгил дилимни,
Меҳрим кўзда ишқим қалбимда жўшар.

Алданиб юз бурма чин муҳаббатдан,
Қалбингда не ҳис бор менга нисбатан.
Кун келиб бир куни васлингга етсам,
Акмал миннатдордир ўшал қисматдан.

## МУҲАББАТИМ

Нигоҳимдан уқмасмисан муҳаббатим,
Наҳот мендан кутмасмисан муҳаббатим.
Ишқ изҳорим айлагани қўрқувдаман,
Оловларга отмасмисан муҳаббатим.

Вафо қилгин қалбдаги пок туйғуга сен.
Висол они барҳам бергин қайғуга сен.
Бахтга етказ, етиштириб орзуга сен.
Мол-дунёга сотмасмисан муҳаббатим.

Оҳ мукаррам, гўзал юзли, нурли янок,
Менчи бунда юзда ажин, сочимда оқ,
Ҳаққа қилгум шукроналар қалбдан бироқ,
Хору-хазон этмасмисан муҳаббатим.

Менинг дардим, сенинг васлингни куйламоқ
Шўху-шодон, ёшлик фаслингни куйламоқ
Покиза дил, тоза қалбингни англамоқ
Асал-болин, тотмасмисан муҳаббатим.

Омон бўл, деб бахт тиловчи кўнгил сасим
Айрилиқа осонгина енгилмасим.
Ҳижронларга асло бўлмас бу дил таслим
Роббимдан ё раҳматмисан муҳаббатим.

Розиман дил боғимдан гул термоғингга
Гоҳ тушимда узук тақай бармоғингга
Арзимасман ҳатто сенинг тирноғингга
Акмал қўлин тутмасмисан муҳаббатим.



## АЛВИДО

Тақдир сени этмади насиб,
Забонимдан чиқмади садо.
Кетдинг кўлга калам тутказиб,
Хайр ёрим энди алвидо.

Хар кўрганда берарман салом,
Юрак куяр ёндирар алам.
Титраб кетар вужудим-танам,
Хайр ёрим энди алвидо.

Бехабарсан севгим пинҳона,
Наҳот ўтгум дунёдан ёна,
Умид сўнди охир жанона,
Хайр ёрим энди алвидо.

Ишқ изҳорим бўлди орзуда,
Учрашувлар қолди ёзувда,
Қандай яшай тинчу осуда,
Хайр ёрим энди алвидо.

Дунё бир кам яралмиш азал,
Битгум кунда сен учун ғазал,
Севишимни билмаган гўзал,
Хайр ёрим энди алвидо.

Мен Оллоҳга ўтгум сиғиниб,
Ўтли шеърим келар ёғилиб,
Акмал ёзар сени соғиниб,
Хайр ёрим энди алвидо.

## ХУСНИНГГА ШАЙДО

Сенингдайин хуснинга шайдо,
Этолмади дилим бирон қиз.
Сенга бўлиб кўнгил маҳлиё,
Яшолмади юрак суронсиз.

Эгилган қош ишқнинг камони,
Мужгонларинг камон пайкони,
Жон сақлашнинг борму имкони,
Висолингдай бир тош кўрғонсиз.

Паришонман, хаёлим дайди,
Рақиблар савдойи атайди,
Умидларим дилим алдайди,
Ғалаба йўқ дея қурбонсиз.

Ой жамолинг ёқтириб қолдим,
Дилингга йўл ахтариб қолдим,
Ишқ дардини юқтириб олдим,
Сенсиз энди дардим дармонсиз.

Сенга боқиб зерикмас кўзлар,
Суҳбат қурса зориқмас сўзлар.
Соғинч дилда толиқмас, бўзлар,
Қийнокдаман қоши камонсиз.



Оймомодай юзларинг тўлин,
Танлама ёр бевафо йўлин,
Қалбимдаги меҳр булбулин,
Тилин боғлаб этма забонсиз.

Пок қалбингга қулф солмагин кел,
Шубҳаларим оловлама кел,
Юрагимни санчиқлама кел,
Акмалингни айлама жонсиз.

2012 йил. 12 май.

## МУНДАРИЖА


Ватанни сев..........3
Аслинг билан..........4
Қизларим..........5
Армон номли гулчамбар..........6
Соғинч..........7
Тилак..........8
Қилмагин муҳтож..........9
Бахтинг ила бахтлиман..........11
Ўкинч..........12
Меҳр изламасман..........13
Сенга атаб..........14
Илтижо..........15
Ишқ яралар..........16
Кел эркам..........17
Ҳавас қилиб..........18
Синовли дунё..........19
Шукр..........20
Бардош..........20
Бахтим ўзинг..........21
Бедор тун..........22
Муҳаббатим чашмадир..........22
Навбаҳор..........23
Онам тилаги..........25
Гумон қилма..........26
Кўклам зийнати..........27
Армоним арит..........28
«Эй,одамзодиззатингбил»..........29
Кўнглим ёритиб..........30
Муҳаббатим чин..........31
Бўстонлик..........32
Тенгсиз туйғу..........34
[illegible]..........35
Онажоним..........36
Сенга бахт бермоқдир кўнгил орзуси..........38
[illegible]..........39
[illegible]..........40
[illegible]..........41
Васлингга етарман..........42
Излаганим..........43
Бахт тилайлик..........44
Орзу бўлмаса..........45
Сени деб яшар..........46
Кўзим қувонар..........47
Йиғламасман..........48
[illegible] унутолмам..........49
Армон..........50
Нигоҳим..........51
[illegible]..........52
Журъатинг йўқ шашти..........53
«Дилларинишодэтибкуйла»..........54
Васлингга зор..........55
Бахт тимсоли..........56
Гўзал кўркамсан..........57
Муҳаббатим..........58
Алвидо..........59
Ҳуснингга шайдо..........60

АКМАЛ АЛИМОВ

# СЕНГА БАХТ БЕРМОҚДИР КЎНГИЛ ОРЗУСИ

*Шеърлар*

Муҳаррир *Ж. Кўнишев*
Дизайнер *Х. Сафаралиев*
Саҳифаловчи *Х. Исмоилхўжаева*

Лицензия AI № 168. 23.12.2009.
Босишга 13.10.2014 й. да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.
«Times New Romon» гарнитураси. Офсет қоғози.
Шартли б.т. 4,0. Нашр т. 4,0. Адади 500 нусха.
Буюртма № 13-10.

**E-mail: tafakkur-qanoti@mail.ru**
«Tafakkur qanoti» нашриёти.
Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кўчаси, 13-уй.
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Оригинал-макет «TAFAKKUR QANOTI»
масъулияти чекланган жамият
техник ва дастурий воситалар базасида тайёрланди
ва чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй



*Алимов Акмалжон Сайдуллаевич 1971 йил 21 майда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Хондойлиқ қишлогида тугилган.*

*Акмалжон асли бошқа касб эгаси бўлишига қарамай, оталари Сайдулла ака тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлганлиги боис, адабиётга қизиқиши ўзгача. Айнан ана шу қизиқиши уни шеър ёзишга мухаббат уйготган бўлса ажабмас.*

*Бўстонлиқ овози газетасида шеърлари мунтазам чоп этилиб туради.*

*"Сенга бахт бермоқдадир кўнгил орзуси" унинг илк китоби.*

ISBN 978-9943-382-57-2

«Tafakkur qanoti»